

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2023 йил февраль ойининг 20 куни, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг судьяси А.Бойбиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси У.Халикуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Чориев, [REDACTED]

[REDACTED], таржимон

Л.Хужамбердиевнинг иштирокида, судланувчи [REDACTED] оид [REDACTED]-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1974 йил 21 август куни Музработ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 4 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, муқаддам судланмаган, ишламайди, 2-гурух ногирони, [REDACTED]

[REDACTED] иш бўйича унга нисбатан муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни текшириб, судланувчининг охириги сўзини эшитиб, далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи [REDACTED] 2022 йил 22 октябрь куни соат 19:00 ларда Тошкент вилояти Қўйичирчиқ туманида яшовчи Туранов Искандар Хасановичнинг номига расмийлаштирилган “Спарк” русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинасини Термиз шаҳрининг И.Каримов кўчасидан А.Темур кўчаси томонга ҳаракатлантириб, Термиз шаҳри “Шодлик” маҳалласи ҳудудида жойлашган чорраҳа ҳудудида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-бандида кўрсатилган талабларга кўра, яъни йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати



қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари кераклиги, 11-банди “г” қисми талабларига мувофиқ, транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, қариялар, ногиронлар ва велосипед ҳайдовчиларига нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурлиги, 77-банди 1-қисмига мувофиқ, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгиланганидан оширмасдан бошқариши кераклиги кўрсатилган қоидаларига асосланган ҳолда ҳаракатланиши лозим бўлса-да, ушбу талабларни қўпол равишда бузиб ҳаракатланиб, пиёдалар ўтиш йўлакчасидан ҳаракатланиб йўлни кесиб ўтаётган Термиз шаҳар, “Шодлик” маҳалласи, [REDACTED] автомашинанинг олди ўнг қисми билан туртиб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган. [REDACTED] тан жароҳати олиб, шошилинич тез тиббий ёрдам бўлимига тушган.

Республикаси суд тиббий экспертиза илмий амалий марказининг 2022 йил 5 декабрдаги 97-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] баданида қўшма жароҳат, ўнг қўл тирсак суяги пастки учлигидан суяк бўлакчалари силжиши билан синиши, чап қўл тирсак суяги пастки учлигидан суяк бўлакчалари силжиши билан синиши, ўнг тирсак ва иккала тизза бўғими соҳасида юмшоқ тўқималари лат ейиши, чап тирсак бўғими орқа ён юзасида ўнг тизза олд юзасида, чап тизза бўғими олд соҳасида, чап оёқ 2-бармоқ орқа юзасида, чап оёқ 3-бармоқ орқа юзасида қонталашлари, пешонанинг чап томон чап қош усти соҳасида эзилиб йиртилган яраси каби тан жароҳатлари аниқланиб, оғирлик даражасига кўра, соғлиғининг узоқ муддатга, яъни 21 кундан кам бўлмаган вақтга йўқотилишига олиб келган ўртача оғирликдаги тан жароҳати деб баҳоланган.

Сурхондарё вилоят ИИБ ЭКБнинг 2022 йил 26 декабрдаги 916-сонли суд-автотехника экспертиза хулосасида, “Спарк” русумли [REDACTED] давлат белгили автомашинаси ҳайдовчиси ҳайдовчиси амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-бандига мувофиқ йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмаслиги кераклиги, 11-банди г-қисмига мувофиқ, транспорт воситасининг ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, қариялар, ногиронлар ва велосипед ҳайдовчиларига нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурлиги, 77-банди 1-қисмига мувофиқ, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгиланганидан оширмасдан бошқариши кераклиги тўғрисидаги талабларни бузганлиги кўрсатилган.



Судланувчи [REDACTED] судда, ўз айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, [REDACTED]

[REDACTED] номида бўлган “Спарк” русумли [REDACTED] давлат рақамли автомашинасини ишончнома асосида бошқариб келишлиги, 2022 йил 22 октябрь куни Термиз шаҳрида жойлашган ҳарбий гоститали ёнидаги савдо дўконидан ўзига керакли нарсаларини харид қилиб, И.Каримов кўчаси буйлаб 3-мактабдан ўтиб, “Ёшлар маркази” биносига етмасдан чорраҳага келиб, А.Темур кўчасига бурилиб, соатига тахминан 20 км тезликда ҳаракатланишни давом этганлиги, шу вақтда кўчадан чиқиб келаётган юк машинасининг олд ёритувчи чироқлари кўзини қамаштирганлиги, натижада пиёдалар йўлакчасидан йўлнинг ўнг томонидан чап томонига кесиб ўтаётган пиёдани кўрмай қолиб, автомашинанинг ўнг олд томонидан билан уни туртиб юборганлиги, шундан сўнг автомашинани тўхтатиб, тан жароҳати олган аёлни таксига миндириб, шаҳар шошилинич тез ёрдам бўлимига олиб борганлиги, исми-шарифини кейинчалик билган [REDACTED] даволанишига моддий томондан ёрдам берганлиги, ҳозирги кунда жабрланувчи талаб қилаётган 10.851.200 сўм моддий зарарни тўлашга имконияти йўқлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бкериб, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи [REDACTED] суд, 2022 йил 22 октябрь куни соат 19:00 ларда А.Темур ва Каркомовлар кўчасининг пиёдалар йўлакчасидан светафорнинг яшил чироғида ўтаётган вақтида “Спарк” русумли [REDACTED] давлат рақамли автомашина туртиб юборганлиги, шундан сўнг “Спарк” автомашинаси ҳайдовчи уни тиббий ёрдам бўлимига олиб боришни таклиф қилганлиги, унинг иккала қўли синганлиги, жуда қаттиқ оғриётганлиги, жойидан тура олмаганлиги сабабли атрофдаги одамлар тез ёрдам машинаси чақирганлиги, лекин “Дамас” тез ёрдам машинаси бўлганлиги сабабли у ушбу машинага ўтира олмаганлиги, шундан сўнг уни такси автомашинасида тез ёрдам бўлимига олиб боришга тўғри келганлиги, уни уриб юборган автомашина ҳайдовчиси дастлаб унга даволаниши учун ёрдам берганлиги, кейинчалик эса ёрдам бермаганлиги, бугунги кунга қадар даволаниши ва тиббий кўриклардан ўтиши учун жами учун 13.051.200 сўм харажат қилганлиги, шундан 2.200.000 сўмини судланувчи [REDACTED] қоплаб берганлиги, қолган зарарларни қопламаганлиги ҳақида кўрсатув бериб, суддан унга етказилган зарарларни ундириб беришни сўради.

Бундан ташқари, [REDACTED] айби билдирги, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фотосуратлар, экспертиза хулосалари, шунингдек, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топади.



Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи [REDACTED] йўл-транспорт ҳодисаси содир қилиб, фуқаро [REDACTED] оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлганликда ифодаланган ҳаракатсизлиги Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

54-моддасининг иккинчи қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги”ги 1-сонли қарори 3-бандида, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши:

2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 10-сонли қарорининг 25-бандида, судлар йўл-транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндашув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шартлиги;

26-бандида, судлар ЖК 260, 262, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга оид ишларни кўришда, судланувчига нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо чорасини қўллаш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги, мазкур масала шахс бундай ҳуқуққа эга, эгамаслигидан (масалан: шахс жиноят содир қилгунга қадар ёки тергов вақтида маъмурий тартибда ёки суд ҳукми билан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлигидан) қатъи назар, муҳокама қилиниши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.



Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тайинлашда ўз айбига иқроор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, 2 гуруҳ ногирони эканлигини, муқаддам судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқлигини эътиборга олиб, қонун санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлашни, жиноятни транспорт воситасини бошқарган ҳолда содир этганлигини ва келгусида у томонидан бу каби бошқа жиноятлар содир этилишининг олдини олиш учун унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб қўшимча жазо тариқасида барча турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси ҳам тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Суд жиноят оқибатида етказилган зарарлар қопланиши масаласини муҳокама қилиб, судланувчи [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига етказилган 10.851.200 сўм моддий зарарни ундиришни белгилашни, қолган моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида келгусида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқлари борлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 298,453-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан шу Кодекснинг 45-моддаси қўлланиб 1 (бир) йил муддатга барча турдаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари, 7.500.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

[REDACTED] нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

[REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] фойдасига 10.851.200 сўм миқдорида моддий зарар ундирилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида келгусида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида даъво қилиш ҳуқуқлари борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб бошлаб йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судининг



апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилишга,
прокурор эса протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

А.Бойбилов

Ҳужжат имзоланган: Бойбилов Абдиҳофиз Ибрагимович, 09.03.2023

